



ХАЛҚАРО МИГРАЦИЯ ЖАРАЁНИДА ЖАҲОН ВА ЎЗБЕКИСТОН ИШТИРОКИНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ

<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2019-3-12>

Азаматова Гулмира Байирбековна,
Жиззах политехника институти
Ўзбекистон тарихи ва ижтимоий фанлар
кафедраси ассистенти

АННОТАЦИЯ

Мақолада халқаро миграциянинг вужудга келиши, унинг сабаблари, бу жараёнда мигрантларнинг иштироки ёритилган. Бутун дунёдаги миграция оқимларини тартибга солиш мақсадида ташкил этилган Халқаро миграция ташкилотининг вазифалари баён қилинган. Дунё миқёсида глобаллашув жараёнида меҳнат миграцияси жараёнини тартибга солиш зарурати ва йўналишлари ёритиб берилди. Шунингдек, республикада ташқи меҳнат миграция жараёнлари таҳлил қилиниб, уни ташкиллаштиришни такомиллаштириш юзасидан таклиф ва тавсиялар берилган.

Калит сўзлар: миграция, аҳоли миграцияси, ички миграция, ташқи миграция, Халқаро миграция ташкилоти, эмиграция, иммигрант, пул ўтказмалари.

ОСОБЕННОСТИ УЧАСТИЯ УЗБЕКИСТАНА И МИРА В МЕЖДУНАРОДНОМ МИГРАЦИОННОМ ПРОЦЕССЕ

Азаматова Гулмира Байирбековна,
Ассистент кафедры Истории и общественных
наук Узбекистана, ДжизПИ

АННОТАЦИЯ

В статье освещено возникновение международной миграции, его причины, участие мигрантов в этом процессе. Изложены задачи международной миграционной организации, созданная с целью регулирования потока миграции во всем мире. Описывается необходимость и направления регулирования трудовой миграции в процессе глобализации. Также автором, на основе анализа процессов внешней трудовой миграции в нашей республике, разработаны предложения и рекомендации по ее организации и совершенствованию.

Ключевые слова: миграция, миграция населения, внутренняя миграция, внешняя миграция, Международная миграционная организация, эмиграция, иммигрант, денежные переводы.

THE PECULIARITIES OF PARTICIPATION OF THE WORLD AND UZBEKISTAN IN INTERNATIONAL MIGRATION PROCESS

Azamatova Gulmira Bayirbekovna,
Assitant of History and Social
Sciences of Uzbekistan, JizPI


ANNOTATION

The article provides an overview of the origin of international migration, its causes, the presence of migrants in this process. The tasks of an international migration organization, that set up to regulate the flow of migration around the world, were stated in the article. Discusses the necessity and direction of labor migration in the globalization process. Also, the author, based on the analysis of the processes of external labor migration in our republic, developed proposals and recommendations for its organization and improvement.

Key words: migration, population migration, internal migration external migration, international migration organization, emigration, emigrant, remittances.

Миграция тарихи бу- инсоният тарихидир. Башарият тарихида унинг кўчиб юриши, яъни миграцион ҳаракати жуда қадимий жараён ҳисобланади. Лекин жамият тараққиётининг алоҳида даврларида, шу даврнинг ишлаб чиқариш усули, муносабатларига мос ҳолда аҳоли миграцияси ўз турлари, мақсад, вазифалари ва оқибатлари билан фарқ қилган. Бироқ ҳар бир даврнинг миграция жараёни ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб турли хил оқибатларга олиб келади. Бугунги кунда дунё аҳолисининг ҳудудлар бўйлаб жойлашуви, ҳаракати ҳам миграцион ҳаракатнинг натижасидир. Инсонлар, яшаш, ишлаш, ўқиш, ва моддий аҳволини яхшилаш каби мақсадларда доимо турли ҳудудлар бўйлаб ҳаракат қиладилар. **Аҳоли миграцияси** – бу одамларнинг (мигрантларнинг) у ёки бу ҳудудлар чегараси орқали, яшаш жойини доимий ўзгартираётган ёки қисқа ёхуд узоқ муддатларда ёки доимий тарзда келиб кетишини англатувчи кўчишидир [1]. Уларнинг ҳудудий ҳаракатлари мақсадларига биноан турли муддатларга белгиланади. Аҳолини бир ҳудуддан иккинчи ҳудудга кўчиб келиб, яшаш муддатига қараб **доимий** ва вақтинча миграция турлари ажратилади. Миграциянинг асосий белгиларидан бири маъмурий чегарани кесиб ўтишидир. Ана шу асосда миграция ташқи ва ички миграцияга ажратилади. Ташқи аҳоли миграцияси мамлакатдан чиқиб кетиш (муҳожирик), ички аҳоли миграцияси эса мамлакат доирасида, вилоят ва туманлараро яшаш жойининг ўзгаришидир [2].

Инсониятнинг бутун тараққиёти давомида миграцион жараёнлар жаҳоннинг демографик манзараси шаклланишида муҳим аҳамият касб этиб келган. Демографик кўрсаткичлар эса анъанавий равишда халқаро миграциянинг кенгайишига сабаб бўлиб келган. Халқаро миграция жараёнлари ўзининг узоқ ривожланиш тарихи билан бирга миграция ҳуқуқи ҳам таррақий топди. Ушбу ҳуқуқ, асосан икки жиҳат, яъни эмиграция ва иммиграцияга оид халқаро миграцияни тартибга солиш вазифаси бўлган. Эмиграция - аҳолининг бошқа мамлакатга доимий ёки вақтинчалик (узоқ муддатга) яшаш учун (ихтиёрий ёки мажбурий) кўчишини



билдиради. **Иммиграция** – бу ишлаш учун аҳолининг бошқа бир мамлакатдан иккинчи бир мамлакат ҳудудига кўчиб келиши. Бу икки ҳолат ўртасидаги фарқ миграция сальдоси деб номланади. Эмигрантнинг ўз юртига қайтиб келиши **реэмиграция** деб аталади. Халқаро миграцияда юқори малакали мигрантлар “ақлли муҳожирлар” деб аталади[3].

XXI аср бошларида дунё ҳудудларида халқаро миграцион жараёнлар кучайди. Мутахассислар бу жараёнда иштирок этаётган аҳолини асосан олти гуруҳга ажратганлар:

1. Оилавий ва бошқа сабабларга кўра, доимий яшаш мақсадида бир давлатдан иккинчи давлатга кетган эмигрантлар.

2. Мигрант-меҳнаткашлар.

3. Ноқонуний иммигрантлар.


4. Қочоқлар.

5. Талабалар, стажёр-тадқиқотчилар, илмий ходимлар ва профессор-ўқитувчилар.

6. Турли мақсадда кўчиб юрувчилар-туристлар, дам олувчилар, анжуманларга қатнашувчилар ва ҳ.к[4].


Жаҳон ҳамжамиятининг интеграциялашуви баробарида миграция жараёнлари ҳам глобаллашди. Айниқса, ташқи миграция турли минтақа ва мамлакатларни ўз доирасида қамраб олди. Чунки дунёнинг ҳар қайси бурчагида юз бераётган миграция жараёнларининг асосида иқтисодий, сиёсий, ижтимоий, экологик ва бошқа сабаблар ётади. Иқтисодий омил асосийси ҳисобланади. 2013 йилда дунё миқёсида мигрантлар 230 млн кишидан иборат бўлган[5]. Айни пайтда дунё бўйлаб 260 миллиондан ортиқ мигрант бор. БМТ маълумотларига қараганда, 2000 йилда жаҳон бўйича 174,8 миллион расмий мигрантлар рўйхатга олинган, ҳозирги кунда уларнинг сони 2000 йилга нисбатан 49 фоизга ортиган[6]. Дунёдаги 260 миллион мигрантнинг 50 фоизи 10 та давлатдан, 67 фоизи 20 та давлатдан кўним топган. Эътиборлиси мигрантларнинг 30 фоизини 29 ёшгача бўлган ёшлар ташкил этади. Мигрантлар оқими бўйича АҚШ етакчи ҳисобланади. Бу давлатда 50 миллионга яқин мигрантлар яшайди (дунё мигрантларининг 20 фоизи). Миграция натижасида турли ирқ, миллат вакилларининг аралашуви пайдо бўлиб, бунда ўзаро таъсир намоён бўлади. Миграция бўйича халқаро ташкилотнинг социологик тадқиқотларига кўра, жаҳондаги мигрантларнинг 52 % ини эркаклар ва 48 % ини аёллар ташкил этмоқда. Европа Иттифоқи давлатларида XXI аср бошида эркаклар улуши 48% дан 52% га кўтарилган бир пайтда Осиё давлатларида аксинча, эркаклар улуши 47% дан 45% га пасайди[7]. 2017 йилги маълумотларга кўра, ўз Ватанидан кетаётганларнинг 36,1 миллионга яқини болалар, 4,4 миллиони талабалар ва 150,3 миллиони меҳнат мигрантларидан иборат. Мигрантларнинг 31 фоизи Осиёда, 30 фоизи Европада, 26 фоизи Шимолий ва Жанубий Америкада, 10 фоизи Африкада, 3 фоизи Океания давлатларида кўним топган[8]. Мигрантлар кўп давлатлардаги ижтимоий - иқтисодий, сиёсий ва маданий ўзгаришларга таъсир кўрсатади.

Халқаро миграцияда асосий ўринни меҳнат миграцияси эгалламоқда. Чунки ҳозирги даврда инсоннинг яшаши учун иқтисодий омилнинг аҳамияти кучайди. Одатда миграциянинг асосий сабабларидан бири сифатида иқтисодий омил



кўрсатилади. Яъни бир хил ишга икки мамлакатда бир-бирдан кескин, ер билан осмон қадар тарзда фарқланадиган маош тўланиши мигрантлар масаласини кескинлаштиряпти. Айни пайтда у ёки бу минтақада муайян соҳа мутахассисларининг етишмаслиги ҳам шу соҳа мутахассисларига катта маош тўланишига, демак, миграция оқимининг пайдо бўлишига олиб келади. Бу жараённинг ибтидоси ўтган асрнинг ўттизинчи йилларида АҚШда кузатилган. Ўшанда Америка нацистлар Германиясидан қочиб келган олимларни юқори ҳақ тўланадиган ишларга таклиф эта бошлаган. Миграция жараёнининг ижобий натижаларидан бири –мигрантларнинг пул ўтказмаларидир. Пул ўтказмалари оқимлари ривожланаётган мамлакатлар иқтисодий аҳволи яхшиланишига ҳамда жаҳон молия тизими билан бирга ривожланаётган давлатлар молия тизимининг такомиллашувига жиддий таъсир кўрсатувчи асосий омил ҳисобланади. Статистика маълумотларига кўра, мигрантлар томонидан 2018 йилга келиб жўнатилган маблағлар миқдори 600 миллиард АҚШ долларидан ортиб кетган ва бу пулнинг 450 миллиард доллари ривожланаётган давлатларга жўнатилганлигини эътиборга оладиган бўлсак, бунда инсон омили мавзуси, нафақат, иқтисодий, балки ижтимоий – сиёсий жиҳатдан ҳам ўта муҳимлигини таъкидлаш жоиз[9]. Бугунги кунда эса Шарқий Европанинг юқори малакали мутахассислари АҚШ, Канада ва Ғарбий Европадан кўним топишмоқда. Маълумотларга кўра, мигрантларнинг катта қисми кўп миқдорда нефть экспорт қиладиган Яқин Шарқ мамлакатларига келишмоқда. Бу мамлакатларда соҳа ишчиларининг 70 фоиздан ортигини хорижликлар ташкил этади. Шунингдек, Аргентина, Бразилия, Сингапур, Гонконг, Японияда ҳам меҳнат мигрантлари сони тобора ортиб бормоқда. Дунё бозорига меҳнат мигрантларини етказиб берувчи асосий мамлакатлар эса Ҳиндистон, Покистон, Вьетнам, Жазоир, Мексика, Ирландия ва Туркия бўлиб қолмоқда. Германияда ривожланган мамлакатда аҳоли сони йилига ўрта ҳисобда 0,1 фоиз камайиб бормоқда. Бу ҳам хорижий меҳнаткашларни мамлакатга жалб этишнинг сабабларидан биридир. Аксинча, дунёнинг бошқа кўплаб давлатларида аҳоли сони кескин ошяпти. Масалан, Фаластинда аҳоли йилига 3,7 фоиз, Яманда 3,3 фоиз, Конгода 3,1 фоиз кўпаймоқда[10].

Халқаро миграцияда мигрантлар кўп ҳолларда маҳаллий ҳуқуқлардан маҳрум бўлади. Иш шароити, хавфсизлик масалалари ҳам таъминланмайди. Бунда аввало, аёллар ва болалар кўпроқ жабр кўришади. Бундай номутаносиблик мигрантлар томонидан норозиликни келтириб чиқаради ва улар томонидан жиноятлар содир этилишига олиб келиши мумкин. Сўнгги йилларда халқаро миграция жараёнларини тартибга солиш тамойиллари ва бу масалага ёндашув тубдан қайта кўриб чиқилмоқда. Бутун дунёдаги миграция оқимларини тартибга солиш мақсадида халқаро даражада миграция хизматларини кўрсатиш зарурати юзага келганлиги муносабати билан 1951 йилда Халқаро Миграция Ташкилоти (ХМТ) га асос солинган. Унинг вазифалари- инсонпарварлик ва миграция жараёнларини тартибга солишга ёрдам бериш, миграция назорати чораларини тартибга солиш ва инсонпарварлаштириш, миграция масалаларига амалий ечимларни топиш ва мухтож мухожирларга, шу жумладан, қочқинлар ва мигрантлар учун гуманитар




ёрдам кўрсатишда кўмаклашиш, ушбу муаммоларни бартараф этиш ХМТ ҳукумат ва мигрантларга маслаҳат ва хизматларни тақдим этади. Миграция жараёни иқтисодий, ижтимоий ва маданий ривожланиш билан бир қаторда одамларнинг эркин ҳаракатланиш ҳуқуқи билан боғлиқ. Ушбу соҳаларнинг барчасини қамраб олган ХМТ фаолияти халқаро тараққиётни рағбатлантиришга қаратилган миграция сиёсати масалалари бўйича муҳокамалар ташкил этиш, тавсиялар тайёрлаш, мигрантларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, соғлиқни сақлаш масалаларини ҳал қилиш ва миграция жараёнлари билан боғлиқ ҳуқуқларни ҳимоя қилиш. Мазкур ташкилот миграция бўйича БМТ нинг Агентлиги ҳисобланади. Унинг фаолияти умумий манфаатлар учун инсонийликни сақлаган ҳолда миграцияни тартибга солишдаги асосий фаолияти тартибли амалга ошириш, муаммоларга амалий ечим излаш ва муҳтож мигрантларга инсонпарварлик ёрдамини кўрсатишга қаратилган. Халқаро миграцияда иштирок этаётган мигрантларнинг ижтимоий, сиёсий, ҳуқуқий, тиббий ва меҳнат ҳуқуқларини назарда тутувчи давлатлараро даражадаги ҳужжатлар имзоланган. 1953 йил 19 октябрда Халқаро Миграция Ташкилоти Конституцияси қабул қилинган. Мазкур Конституция 1954 йилнинг 30 ноябридан кучга кирган. Унинг асосий мақсадларидан бири мавжуд имкониятлар етарлича бўлмаган ёки халқаро ташкилотлар кўмагига муҳтож мигрантларнинг тартибли кўчишини ташкил этиш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш ҳисобланади. Халқаро Миграция Ташкилоти ўз ишини давлатлар ёки бошқа манфаатдор халқаро ташкилотлар билан мувофиқлаштирган ҳолда ташкил этади. ХМТ ўз фаолияти давомида меҳнат миграцияси жараёнлари ва меҳнат мигрантлари ҳуқуқларининг ҳимояси масалаларига алоҳида эътибор қаратади. Бу борада ташкилот томонидан 1975 йилда “Миграция соҳасидаги суистеъмоликлар ва меҳнат мигрантларига имконият ва мурожаатларда тенгликни таъминлаш тўрисида” ги 143-сонли Конвенция ҳамда 1975 йилларда қабул қилинган “Меҳнат мигрантлари тўғрисида” ги 151-сонли тавсиялар қабул қилинган.

Ҳозирги кунда миграция жаҳон ҳамжамиятини хавотирга солаётган долзарб муаммоларнинг бирига айланди. Миграция муаммолари кишилик жамияти шакллангандан бери мавжуд ва ўтмишда миграцияни вужудга келтирган омиллар айни кунларда ҳам сақланиб турибди, ҳатто уларнинг долзарблиги янада ортган, чунки ҳозирги замон технологияларининг тараққиёти ахборот ва алоқа билан боғлиқ муаммоларни ҳал этади. Давлатлар ўртасидаги демографик ва иқтисодий тафовутлар чуқурлашуви, одамларнинг чегаралардан ўтиши кўринишидаги “табiiй реакция” ни вужудга келтирди. Ҳозирги замонда миграция муаммолари миллий ва халқаро даражада олиб бориладиган давлат сиёсати муҳокмаларида марказий ўрин тутаяди. Миграция муаммолари ижтимоий ривожланиш масаласи бўйича 1995 йил Копенгагенда ўтказилган олий даражадаги Бутунжаҳон учрашувларида, Аёллар муаммоси бўйича Пекинда 1995 йилда ўтказилган Бутунжаҳон 4-конференциясида, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг аҳоли пунктлари бўйича Истанбулда бўлиб ўтган 2-конференциясида ва шунингдек, 2001 йили Дурбанда ўтказилган ирқчилик, ирқий камситиш, ксенофобия ва келишмовчиликнинг бошқа кўринишларига қарши курашга бағишланган

Бутунжаҳон конференциясида кўриб чиқилган.

Жаҳонда мигрантлар сони йилдан-йилга ошиб бораётганини ҳисобга олиб ва ватанидан олисда ишлаётган мигрантлар манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси 1990 йил 18 декабрда барча меҳнат муҳожирлари ва уларнинг оилалари ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги Халқаро конвенцияни қабул қилган. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош Ассамблеясининг таклифига биноан 2000 йилдан буён ҳар йили 18 декабрь Халқаро мигрантлар куни сифатида нишонланади. “Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси” да барча одамлар ўз кадр-қиммати ва ҳуқуқларида эркин ва тенг бўлиб туғилишлари ҳамда ҳар бир инсон ирки, тана ранги, миллий мансублигидан қатъий назар Декларацияда эълон қилинган барча ҳуқуқ ва эркинликка эга бўлиши зарурлиги қайд этилган [11]. Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзо давлатлар ҳамда ҳукуматлараро ва ноҳукумат ташкилотларга халқаро мигрантлар кунини инсон ҳуқуқлари ва мигрантларнинг асосий эркинликлари тўғрисидаги маълумотларни бирига айланди. Мамлакатимизда изчил тарзда давом этаётган ислохотларнинг муҳим таркибий қисми фуқароларнинг меҳнат қилишга бўлган конституциявий ҳуқуқларини амалга ошириш ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 37-моддасида “ҳар бир шахс меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шароитларида ишлаш ва қонунда кўрсатилган тартибда ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқига эгадир” [12]. Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг конституциявий ҳуқуқи бўлган меҳнат ҳуқуқини рўёбга чиқаришнинг яна бир муҳим йўналиши - ташқи меҳнат миграцияси соҳасидир. Ўзбекистон Республикасида ташқи меҳнат миграцияси бўйича фаол давлат сиёсати амалга оширилиб келинмоқда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 12 ноябрдаги **“Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг чет эллардаги меҳнат фаолиятини ташкил этишнинг такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”**ги 505-сон Қарори [13]. га мувофиқ мамлакат фуқароларининг хорижий давлатларда меҳнат фаолиятини амалга ошириш тамойиллари белгилаб берилган. Унга кўра, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари мамлакат қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳукуматлараро, идоралараро шартнома ва битимлар асосида меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун хорижга чиқиш ҳуқуқига эга. Хусусий меҳнат шартномалари бўйича меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун чет элларда ишлаш учун фақат Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳузуридаги Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлиги томонидан бериладиган рухсатномалар бўйича чиқиш мумкин. Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлиги мамлакатда иш кучининг ташқи миграциясини тартибга солиш ва бошқариш бўйича ваколатли давлат тузилмаси ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ҳуқуқлари ва мафаатларини ҳисобга олган ҳолда, кейинги йилларда ташқи меҳнат миграциясининг самарали тизимини таъминлаш борасида давлатимиз томонидан аниқ чора-тадбирлар белгиланди. 2018 йил 27 ноябрь куни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Миграция агентлиги кенгашининг Женева шаҳрида очилган 109-сессиясида овоз бериш




натижасида Ўзбекистон Республикаси Халқаро Миграция Ташкилотига 173 аъзоси бўлиб қабул қилинди. Ўзбекистон Республикаси “**Халқаро миграция ташкилоти** Конституциясини ратификация қилиш тўғрисида”ги қонун 2018 йил 12 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинган ва 14 декабрда Сенат томонидан маъқулланган. ХМТ Конституциясида унинг мақсад ва вазифалари эълон қилинган. 2018 йил 26 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев “**Халқаро миграция ташкилоти** Конституциясини ратификация қилиш тўғрисида”ги қонунни имзолади[14]. Халқаро миграция ташкилоти Конституциясини ратификация қилиш, мазкур ташкилотга аъзо бўлиш Ўзбекистонга бир катор ҳуқуқлардан фойдаланишга имкон беради. Жумладан, овоз бериш ҳуқуқидан фойдаланиш, Кенгашда қарор қабул қилиш ва фаолиятида иштирок этишга, жорий дастурларда қатнашиш ёки унинг эҳтиёж ва манфаатларига доир ишлаб чиқилган янги лойиҳаларга ўз таклифини бериши ва миграция билан боғлиқ дастурларга халқаро молиявий ёрдам олиши мумкин. Шунингдек, ташкилотнинг ривожлантириш жамғармаси маблағларидан фойдаланиш ҳуқуқига ҳам эга бўлади.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “**Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили**” да амалга оширишга оид Давлат дастурида Ўзбекистонда “**Меҳнат миграцияси тўғрисида**” ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқиш белгиланган. Қонун меҳнат миграцияси соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари, фуқароларни чет элларда ишга жойлаштиришнинг механизм ва шакллари, меҳнат мигрантлари билан ишлаш соҳасидаги дипломатик ваколатхоналарининг асосий фаолият йўналишлари, чет элда Ўзбекистон фуқароларининг шахсий хавфсизлигини таъминлаш ва уларнинг ижтимоий ҳимояси бўйича чора-тадбирларни назарда тутди. Унга мувофиқ, ҳудудларда фуқароларни чет элларда ишга жойлаштириш бўйича хўжалик ҳисобидаги Бюро, шунингдек ишга жойлаштирилаётган фуқароларга ўзини тутиш этикаси, бораётган мамлакатнинг маданияти ва тили, қонунчилиги асосларига ўргатишни юклаган ҳолда Чет элларга кетаётган фуқароларни олдиндан кўниктириш ва ўқитиш марказининг ҳудудий тузилмалари ташкил этилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 05.07.2018 йилдаги “**Ташқи меҳнат миграцияси тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида**” ПҚ 3839 сонли қарори[15]. билан Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузурида хорижда меҳнат фаолиятини амалга оширувчи шахсларни қўллаб-қувватлаш ҳамда уларнинг ҳуқуқ ва мафаатларини ҳимоя қилиш Жамғармаси ташкил этилган. Жамғарманинг вазифалари:

-Ташқи меҳнат миграцияси тизимини янада такомиллаштириш, унинг ташкилий шаклларини тубдан кенгайтириш, меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун республика ташқарисига кетаётган фуқароларнинг меҳнат ва ижтимоий ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини таъминлаш, хориждан қайтиб келган меҳнат мигрантларини тадбиркорлик ва меҳнат фаолиятига жалб этишни кенгайтириш;



-хорижда меҳнат фаолиятини амалга ошириш даврида зўравонлик, мажбурий меҳнат ва камситишдан жабрланган, меҳнат ва бошқа ҳуқуқлари бузилган, оғир молиявий аҳволга тушган ва шахсини тасдиқловчи ҳужжатларсиз, тирикчилик учун маблағсиз қолган фуқароларни ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоя қилиш, шунингдек, уларга моддий ёрдам кўрсатиш;

-меҳнат миграциясида бўлган даврда жароҳатланиш, бахтсиз ҳодиса сабабли тиббий хизмат кўрсатиш талаб этилган фуқароларга, кўрсатилган тиббий хизматлар ҳақини меҳнат мигранти ҳисобидан тўлаш имконияти бўлмаган ҳолларда тўланган маблағлар ушбу фуқаролар томонидан кейинчалик қоплаб берилиши шарти билан, тиббий хизмат кўрсатиш;


-республика ҳудудларида хорижга меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун кетаётган фуқароларни кетишдан олдинги мослаштириш, касбий тайёрлаш, хорижий тилларга ўқитиш ва билим даражаси юзасидан тест синовлари ўтказиш, фуқароларнинг касбий малакасини тасдиқлаш марказларини ташкил этиш ҳамда жиҳозлаш;

-хорижда Агентликнинг ваколатхоналарини ташкил этиш ва жиҳозлаш;

-норасмий меҳнат миграциясининг олдини олишга қаратилган, фуқароларни хорижда ишга ташкиллаштирилган тарзда жойлаштириш тизимини такомиллаштириш масалалари бўйича ахборот-маърифий тадбирларни ўтказишдан иборатдир.

Халқаро миграция жараёнида жаҳон ва Ўзбекистон иштирокининг ҳозирги кундаки ўзига хос хусусияти шундаки, ҳозирда бу жараёнга давлат фаол ва самарали тарзда аралашмоқда. У халқаро меҳнат бозоридаги келишувларни тартибга солиб, мигрантларнинг бошқа мамлакатга чиқиши учун руҳсат бериши ва қайтиб келиши муддатини назорат қилмоқда. Сўнгги йилларда ташқи миграцияда меҳнат миграциясига бўлган муносабат тубдан ўзгариб бормоқда. Хорижий давлатлардаги мигрантларнинг ўз юртлари ижтимоий- иқтисодий ҳаётига, айти пайтда улар ишлаётган мамлакатлар таракқиётига қўшаётган ҳиссаси катта. Ўз навбатида, чет мамлакатларда меҳнат қилаётган мигрантларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя этишга устувор аҳамият қаратилаяпти. Жумладан, Ўзбекистон Республикасида ҳам ҳозирги кунда аҳоли ташқи меҳнат миграцияси агентлигининг фаол иштирокида ушбу соҳадаги ҳуқуқий асослар такомиллаштирилмоқда. Ишга ёллаш (рекрутинг), меҳнат миграцияси тўғрисидаги қонун лойиҳалари ишлаб чиқилмоқда, амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш кўзда тутилмоқда.

Жаҳондаги ижтимоий - иқтисодий, сиёсий жараёнларнинг глобаллашуви миллий чегараларнинг ювилиши, ички ва ташқи сиёсат ўртасидаги фарқларнинг камайиши, халқаро муносабатларда янги иштирокчиларнинг пайдо бўлиши, ягона ижтимоий-сиёсий маконнинг шаклланиши билан бир вақтда халқаро миграция жараёнларига салбий таъсир ўтказмоқда. Унинг салбий оқибатларини юмшатиш ва давлатлараро муносабатлар тизимини янгича шароитларни ҳисобга олган ҳолда қайта кўриб чиқиш бугунги кундаги долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Мигрантларнинг ҳаётим имкониятларини, истиқболдаги режаларини тузишга интилиш, ижтимоий шарт-шароитларнинг замонавий тизимларига йўл топа олиш,



хусусан аниқ маълумот олишга ҳаракат қилиши ҳозирги замон миграциясининг асосий хусусиятларидан биридир. Шу сабабли халқаро майдонда миграция жараёнини ижтимоий-иқтисодий, сиёсий тартибга солиш муҳим аҳамият касб этади.

Миграция жараёнининг давлатлараро даражада тартибга солиниши ҳар бир интеграциялашаётган давлатда инсон капиталига сармояларни кўпайтириш тақозо этади.

Ноқонуний ва қонуний миграция муаммоси ҳам жаҳондаги муҳим масала ҳисобланиб, миграция жараёни ҳуқуқий тартибли тизимга солинмаса давлатларда мигрантлар ҳамда маҳаллий туб аҳоли ўртасида норозилик кайфиятининг ошишига, мамлакатда сиёсий ва иқтисодий барқарорликка раҳна солиши, ҳатто миллатлараро ва динлараро зўравонликнинг пайдо қилиши каби бир қатор вазиятларни келтириб чиқариши мумкин. Халқаро миграциянинг глобаллашув хусусияти шундаки жаҳон ҳамжамиятининг барча мамлакатларини қамраб олишидадир.

Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати:

1. Абдурахмонов Қ.Х., Абдураманов Х.Х. Демография. – *Тошкент: Ношир*, 2011. – Б. 209.
2. **Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси.**– Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси давлат илмий нашриёти, 2000. – Б.874-875.
3. Маматқулов Х. Жаҳон иқтисодиёти ва иқтисодий муносабатлар. – Тошкент: Фан ва технология, 2013. – Б.234.
4. Бўриева М.Р., Тожиева З.Н., Зокиров С.С. Аҳоли географияси ва демография асослари. Ўқув қўлланма. – Тошкент: Тафаккур, 2011. – Б.42-43.
5. Migration and Remittance Flows: Recent Trends and Outlook, 2013-2016. Migration and Development Brief. The World Bank. October 2, 2013. – P.9. [http://www.bancaimea.md/app/webroot/uploaded / Migration and Development Brief 21. pdf](http://www.bancaimea.md/app/webroot/uploaded/Migration%20and%20Development%20Brief%2021.pdf) .
6. International Migration Report 2002. New York: United Nations Population Division, Department of Economic and Social Affairs, 2002.
7. Доклад о развитии человека 2009. Преодоление барьеров: человеческая мобильность и развитие / Пер с англ.; ПРООН – М.: Изд-во “Весь Мир”, 2009. – 232 с.
8. <https://theworldonly.org/statistika-migratsii>.
9. Гулчеҳра Муродалиева. “Biznes Daily”. Глобал миграция: тўкин ҳаёт ва даромад илинжида. 20.07.2018.
10. Migration and Development Brief. October 2, 2013 маълумотлари асосида тузилди.
11. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси. 1948 йил 10 декабрь.
12. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. –Тошкент: Ўзбекистон, 2017.
13. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 12 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг чет эллардаги меҳнат фаолияти-



ни ташкил этишнинг такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги 505-сон Қарори.

14.“Халқаро миграция ташкилоти конституциясини ратификация қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни // Халқ сўзи, № 268 (7196) 27/12/2018,

15.Ўзбекистон Республикаси Президентининг 05.07.2018 йилдаги “Ташқи меҳнат миграцияси тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ -3839 сонли қарори.